

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий хуқуқ. Маъмурий хуқуқ.
Молия ва божхона хуқуқи

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Беков Ихтиёр Рустамович

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар
иштирокининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш 3

Bekov Ikhtiyor Rustamovich

Improving the organizational and legal basis for the participation of political
parties in the activities of state representative bodies 29

Беков Ихтиёр Рустамович

Совершенствование организационно-правовой основы участия
политических партий в деятельности государственных
представительных органов 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий хуқуқ. Маъмурий хуқуқ.
Молия ва божхона хуқуқи

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Yu138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ахмедов Даврон Қувонович
юридик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акилов Алимжан Рахимович
юридик фанлари доктори, профессор

Ҳусанов Озод Тиллабаевич
юридик фанлари доктори, профессор

Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна
юридик фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети

Диссертация химояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 25 сентябрь соат 10:00 даги мажлисida бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (978-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 11 сентябрда тарқатилди.

(2021 йил 11 сентябрдаги 8-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Хакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор

Ш.У.Якубов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби в.в.б, юридик фанлари доктори, профессор в.б.

М.А.Ахмедшаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Дунёда сиёсий партиялар давлат ҳокимияти тузилмаларини шакллантириш ва ҳокимиятни амалга оширишда фаол иштирок этиши тенденцияси кузатилмоқда. Улар муҳим ижтимоий-сиёсий институт сифатида ҳокимият органларида вакиллик ўринлари (мандатлар)га эга бўлиб, аҳоли муайян ижтимоий гурухларининг манфаатларини ифодаламоқда. Демократик мамлакатларда сиёсий партияларнинг сайловларда ҳамда вакиллик ҳокимият органлари фаолиятида қатнашиш орқали давлат бошқарувида иштирок этиши табиий жараён хисобланади. Унда партиявий дастурлар вакиллик органларининг ҳукуқий хужжатлари мазмунига сингдирилиб, самарали вакиллик демократияси амалга оширилиши таъминланади. Шу боис, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш ҳамда фаолият юритишида сиёсий партияларнинг иштирокига оид муаммоларни илмий тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда сиёсий жараёнларнинг фаол субъекти, нуфузли актори сифатида майдонга чиқаётган сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларига ўтадиган сайловларда тутган роли ва ўрнини аниқлаш, ушбу органлар фаолиятига таъсир этиш усуллари, воситалари ҳамда механизмлари самарасини ошириш, давлат ҳокимияти билан сиёсий партиялар ўртасида ҳамкорлик, вакиллик органлари фаолиятида иштирокини таъминлашнинг ҳукуқий механизмларини аниқ белгилаш, уларнинг ўзаро муносабатлари моделини асослантириш, ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги муносабат параметрларини аниқлаш соҳаларида илмий тадқиқотларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнларида сиёсий партияларни фаоллаштириш ва уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятига таъсирини ошириш, давлат идоралари иши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш»¹ давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, сиёсий партияларнинг давлат вакиллик органларининг оммавий-сиёсий ҳокимиятга оид фаолиятида иштирок этишини илмий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

таҳлил қилиш ҳамда партияларнинг юқоридаги функцияларини амалга оширишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш долзарб саналади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлари ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунларида, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида ҳамда соҳага оид бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга мазкур диссертация муайян даражада хисса қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи¹. Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш ва улар фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар дунёning етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Harvard University, Washington University School of Law, Boston College, Stanford Law School, New York University, UCLA School of Law, The University of Chicago, (АҚШ), München Universität, Frankfurt Universität (ГФР), Law School, University of Queensland (Австралия), University of Oxford, Newcastle University, Queen Mary University of London, University of Cambridge, House of Commons Library (Буюк Британия), Université Toulouse (Франция), University of Toronto (Канада), Jagiellonian University (Польша), Москва давлат юридик университети, Москва давлат университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти (Россия)да олиб борилмокда.

Сиёсий тизим элементлари, давлат ҳокимияти ва партиялар ўртасида алоқаларини таъминлаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: давлат ҳокимияти

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи: www.law.stanford.edu, www.bc.edu, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.uchicago.edu>, <https://www.harvard.edu>, www.law.wustl.edu, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://commonslibrary.parliament.uk>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.lmu.de>, www.pantheonsorbonne.fr, <https://utoronto.ca>, <https://www.griffith.edu.au>, <https://en.uj.edu.pl>, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>.

билин сиёсий партиялар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш тизимиning ривожланиш тенденциялари аниқланган (Harvard Law School); сиёсий партиялар ваколатларининг мустақил амалга оширилиши ва таъминлашнинг хуқуқий механизмлари асосланган (Stanford Law School); давлат ҳокимияти ва сиёсий партиялар фаолиятининг функционал ва расмий жиҳатлари ҳамда улар ваколатлари чегараси, хуқуқий механизмининг муҳим элементлари аниқланган (Washington University School of Law); давлат ҳокимияти ва сиёсий партиялар фаолиятининг сиёсий механизмлари асосланган (The University of Toronto); парламент ва сиёсий партияларнинг ваколатларини чегаралаш ва меъёрида сақлаш, уларнинг ўзаро муносабатлари модели асослантирилган (House of Commons Library); ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги муносабат параметрлари ишланган (Université Toulouse); давлат ҳокимияти органлари ва партияларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш асосида мазкур хуқуқий муносабатларни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган (Jagiellonian University); сиёсий тизим ва сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини таъминлашда парламент назоратининг ўрни ва унинг таъсирчанлигини ошириш йўллари асосланган (University of Queensland).

Дунёда давлат ҳокимияти ва сиёсий партиялар ўртасида узвий мулоқотни таъминлаш бўйича бир қатор куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ҳокимият ва сиёсий партиялар, шу жумладан, муҳолифат билан ҳамкорлик принципини амалга оширишнинг конституциявий, ташкилий-хуқуқий асослари ва механизмларини аниқлаш; қабул қилинган қарорлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш; сиёсий партияларнинг оммавий-сиёсий ҳокимиятни шакллантириш жараёнида иштирок этиши доираси ва ваколатларининг чегараларини белгилаш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон хуқуқшунослик фанида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклланиши ва фаолиятини ташкил этишда иштироки билан боғлиқ масалаларга бағишлиган турли изланишлар олиб борилган. Шунингдек, мазкур соҳага оид изланишлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаяпти. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг иштирокига оид амалга оширилган илмий изланишларни бир неча йўналишларга таснифлаб чиқиш мумкин.

1-йўналиши: сиёсий партиянинг назарий-хуқуқий тушунчаси, фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари ҳамда унинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни масаласи А.А.Азизхўжаев, М.А.Ахмедшаева, О.Т.Хусанов, М.Бойдадаев, Б.И.Исмоилов, Ш.О.Мамадалиев, М.М.Миракулов, Ў.Х.Мухамедов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Х.Раҳимов, Х.И.Рузметов, И.Т.Тультеев, А.Т.Тўлаганов, М.Қирғизбоев, Э.Х.Халилов сингари мамлакатимиз олимларининг ишларида ҳамда К.В.Аграновский, А.Р.Байрамов, С.М.Барамидзе В.И.Даниленко, Б.А.Исаев М.Дюверже, А.В.Иванченко, К.Лоусон, Дж.Сартори каби чет эллик тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида акс этган.

2-йўналиши: сиёсий партияларнинг вакиллик органлари сайловларида иштирокининг ҳуқуқий асослари ва уни амалга ошириш билан боғлиқ механизмлар масаласи Д.Қ.Ахмедов, А.С.Турсунов, Е.Д.Кутибаева, О.К.Турғунов, Х.О.Абдурахмонов, Ф.А.Насриддинов А.К.Янгибаевларнинг илмий тадқиқотларида келтириб ўтилган

3-йўналиши: сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятидаги иштирокининг ҳуқуқий асослари Н.П.Азизов, Р.Р.Хакимов, С.М.Адилходжаева, О.З.Мухаммаджанов, Г.Р.Маликова, Ш.Х.Зулфиқаров, Ш.У.Якубов, А.Д.Бабаджанов, С.Н.Бердикулов ва А.И.Махмудовларнинг илмий тадқиқот ишларида тадқиқ қилинган¹.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига оид масалалар қисман таҳлил этилган бўлса-да, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар шаклланиши ва улар фаолиятини ташкил этишда сиёсий партиялар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари комплекс тадқиқ этилишга муҳтоҷ.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини комплекс илмий-назарий таҳлил қилиш ҳамда мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тавсия ва таклифларни илгари суришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сиёсий партия тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий табиатини ҳамда уларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда таҳлил этиш;

Ўзбекистонда сиёсий партиялар ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунчилик тизимининг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш;

сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари сайловларида иштирокининг ҳуқуқий механизмларини тадқиқ қилиш;

сиёсий партияларнинг вакиллик органлари фаолиятида иштироки ҳуқуқий асосларининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш;

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги ҳамда таҳлилий-назорат фаолиятидаги иштирокининг шакллари ва усулларини тадқиқ қилиш;

давлат ҳокимияти вакиллик органларида фаолият юритаётган сиёсий партия тузилмалари ишининг мазмуни ва тартибини асослаб бериш;

¹ Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

хукуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида сиёсий партияларнинг ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини ташкил этишда иштирокини хукуқий тартибга соловчи қонунчиликда мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг объекти мамлакатимизда давлат ҳокимиятини амалга оширишда ва вакиллик органларининг фаолиятида сиёсий партиялар иштироки соҳасидаги ташкилий-хукуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклланиши ва улар фаолиятида иштирокчи сифатидаги фаолиятини тавсифловчи ғоялар, концепциялар, таълимот ва қарашлар, шунингдек, норматив-хукуқий хужжатлар ва бошқа манбалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тизимли ва функционал таҳлил, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий-хукуқий таҳлил, статистик, социологик сўровлар ўтказиш, индуктив ва дедуктив таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

тегишли сиёсий партиядан маҳаллий вакиллик органларига сайланган камида уч нафар депутат бирлашган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гурӯхлари тузилиши мумкинлиги асослаб берилган;

партия гурӯхлари туман (шаҳар) ҳокимининг, шунингдек, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимига хулоса тақдим этиш хукуқига эга эканлиги асосланган;

сиёсий партия томонидан партиянинг тегишли сайлов округидаги ҳудудий бўлими ходимлари орасидан жамоатчилик асосида ишловчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг вакили институтини ташкил қилиш зарурлиги асослаб берилган;

сиёсий партия томонидан тайинланган ваколатли вакил сайлов комиссиясининг мажлисларида, уларга хужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиш хукуқига эга эканлиги асосланган;

сиёсий партиялар томонидан имзоларни тўплаш жараёнida сайловчилар битта ёки бир нечта сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли эканлиги асослаб берилган;

сиёсий партия у ёки бу шахсни номзод этиб қўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида бекор қилиш хукуқига эга эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ташкил этишда сиёсий партиялар иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, «сиёсий партия», «сиёсий партияларнинг конституциявий-хукуқий мақоми», «сиёсий

партияларнинг электорал функцияси» тушунчаси, шунингдек, уларнинг жамият сиёсий тизимидағи ўрни ва функциялари тавсифлаб берилди;

юридик фан нұқтаи назаридан сиёсий партияларнинг жамиятимиз сиёсий тизимидағи ўрни ва роли аникланди;

сиёсий партияларнинг конституциявий-хуқуқий мақоми таҳлил этилиб, ушбу илмий категориянинг муаллифлик тавсиф ва таърифи шакллантирилди;

Ўзбекистонда кўп партиявий тизим қарор топиши ва ривожланишининг хуқуқий асослари, уларнинг такомиллашув динамикаси тизимли таҳлил этилиб, уларнинг ривожланиш босқичлари асослантирилди;

сиёсий партиялар фракциялари ва маҳаллий партия гуруҳлари ижро ҳокимияти тизимидағи мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшлиши ҳамда муҳокама қилиш бўйича хуқуқларини (ваколатларини) кенгайтириш зарурати илмий исботланди;

сиёсий партияларнинг давлат органлари фаолиятидаги иштироки самарадорлигини ошириш учун партиялар тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқилди;

хорижий тажрибани таҳлил этиш асосида илгор демократик мамлакатлар қонунчилигидаги нормаларни ҳамда соҳага оид халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар асослантирилди;

давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан сиёсий партиялар ҳамкорлик қилишининг хуқуқий механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар асослантирилди;

вакиллик органлари томонидан давлат ҳокимиятини амалга оширишларида сиёсий партияларнинг иштирок этиш функциясини, шунингдек, электорал функцияни такомиллаштириш, хуқуқни амалга ошириш амалиётидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди;

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун, Сайлов кодекси ва бошқа қонунчилик хужжатларига сиёсий партиялар мақомини ва фаолиятини самарали таъминлашга оид хуқуқий механизмлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган адабиётлар ва қонунчилик хужжатлари расмий манбалардан олинган ҳамда улар белгиланган талаблар асосида ҳавола қилинган. Илмий-тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосалар, амалдаги қонунчилик хужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар, давлат-хуқуқий фанларга тегишли илмий-назарий қарашларни умумлаштириш, тадқиқ этиш ҳамда хуқуқий категориялар, шунингдек давлат ва сиёсий партияларнинг ҳамкорлигини тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва тажрибасини қиёсий таҳлил этиш, шунингдек, социологик сўров натижалари асосида илгари сурилган.

Шу билан бирга, диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётга жорий қилингандиги ва бу ваколатли идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандиги тадқиқот хulosаларининг ишончлилигини намоён этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида эришилган илмий хulosалар давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг такомиллаштирилиши, уларнинг конституциявий - ҳукуқий мақоми, сайлов жараёнидаги фаоллигини таъминлашга доир янги илмий тушунча ва таърифлар ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти тизимида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли, вазифа ҳамда функцияларини аниқлаш имконини беради. Диссертациянинг илмий хulosалари «Конституциявий ҳукуқи», «Парламент ҳукуқи», «Қиёсий конституциявий ҳукуқ», «Сайлов ҳукуқи», «Конституциявий ҳукуқнинг илмий-амалий муаммолари» каби фанларнинг илмий-назарий жиҳатдан бойишига ҳисса қўшади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар фаоллигини ошириш кафолатларини таъминлаш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонунларни амалга ошириш механизмларини ривожлантиришга, фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ҳамда сиёсий партиялар ҳамкорлигини таъминлашнинг ўрни тўғрисидаги билимларни кенгайтиришга ҳамда фуқароларнинг ҳукуқий онги ва маданиятини оширишга хизмат қиласи.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш ва улар фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳукуқий механизмларини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар асосида:

тегишли сиёсий партиядан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки ҳалқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига сайланган камида уч нафар депутат бирлашган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, ҳалқ депутатлари Кенгашларидаги партия гурухлари тузилиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 14-моддаси тўртинчи қисмини ишлаб чиқишида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 05/1-09-33-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши партия гурухларини тузиш тартибини соддалаштиришга хизмат қиласи;

партия гурухлари туман (шаҳар) ҳокимининг, шунингдек, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимига хulosha тақдим этиш ҳукуқига эга эканлиги тўғрисидаги таклиф «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14¹-моддаси биринчи қисмининг саккизинчи хатбохисини ишлаб чиқишида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 05/1-09-33-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши партия гуруҳларининг хуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилган;

сиёсий партия томонидан партиянинг тегишли сайлов округидаги худудий бўлими ходимлари орасидан жамоатчилик асосида ишловчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг вакили институтини ташкил қилиш ҳақидаги таклиф «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14²-моддасини ишлаб чиқишида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 05/1-09-33-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг мақомини ва унинг иш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

сиёсий партия томонидан тайинланган ваколатли вакил сайлов комиссиясининг мажлисларида, уларга ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиш хуқуқига эга эканлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 34-моддасини ишлаб чиқишида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 06/1-05/240-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши сиёсий партия томонидан тайинланган ваколатли вакилнинг хуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилган;

сиёсий партиялар томонидан имзоларни тўплаш жараёнида сайловчилар битта ёки бир нечта сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли эканлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 38-моддаси учинчи қисмини ишлаб чиқишида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 06/1-05/240-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши имзоларни тўплаш жараёнида бир нечта сиёсий партия ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни қўллаб-қувватлаш бўйича сайловчиларнинг хуқуқини кенгайтиришга хизмат қилган;

сиёсий партия у ёки бу шахсни номзод этиб қўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида бекор қилиш хуқуқига эга эканлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 42-моддаси биринчи қисмини ишлаб чиқишида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 06/1-

05/240-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши сайлов жараёни иштирокчиларининг иш самарадорлиги ва сайловга тайёргарлик кўриш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари учта халқаро, иккита республика илмий-амалий конференция ва давра сұхбатларида муҳокама қилинган ҳамда бешта илмий тўпламларда нашр этилиб, синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, битта монография ва 16 та мақола (шундан 14 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан рўйхатга олинган журнallарда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн уч параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 250 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослантирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти ҳамда предмети ёритилган, шунингдек, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асослантирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан алоқадорлиги, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, аprobацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми хақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Сиёсий партиялар фаолияти конституцияий-хукуқий асосларининг ривожланиши” деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда инновацион ривожланиш босқичида кечётган миллий хукуқий тизимни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари, уларнинг асосий йўналишлари ҳамда мазмун-моҳияти, улар борасида мамлакатимиз ва хорижий олимлар томонидан илгари сурилган концептуал ёндашувлар илмий таҳлил этилган.

Диссидентантнинг фикрича, сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг энг асосий акторларидан бири ҳисобланади. Кўппартияийлик эса, сиёсий тизимнинг шаклланишида фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга хизмат қиласи.

Диссидентант томонидан В.Кросс, Р.Акланд, Р.Гибсон, В.Рэндалл, В.Зимин, С.Никоненко, К.Гайсина каби олимларнинг сиёсий партияларни сиёсий тизим таркибига кириши ёки уларни фуқаролик жамиятининг элементи сифатидаги фикрлари таҳлил қилиниб, сиёсий партиялар ҳам сиёсий, ҳам фуқаровий мазмундаги дуалистик табиатга эга институт сифатида таърифланиши лозимлиги тўғрисида қарашлар илгари сурилган.

Тадқиқотчининг муаллифлик ғояси ҳисобланмиш, “хар қандай сиёсий партия жамоат бирлашмаси бўла олади, лекин ҳар қандай жамоат бирлашмаси сиёсий партия бўла олмайди”, деган қоида юқоридаги фикрларни яна бир бор тасдиқлайди.

Тадқиқотчи, сиёсий партияларни батафсил таҳлил қилиш зарурати ҳозирда ўта долзарб аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб, ушбу сиёсий тизим элементи “сиёсат – ҳуқуқ – демократия” институтларининг бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ва давлат тузумини ифода этувчи ҳодиса эканлигини қайд этади.

Сиёсий партияларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми таҳлил қилиниб, қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилган: «Сиёсий партиянинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми – бу конституциявий-ҳуқуқий нормалар асосида сиёсий партиянинг ташкил этилиши, фаолият олиб бориш тартиби ва принциплари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги масалаларининг тартибга солинишидир».

Сиёсий партияларнинг функцияларига оид Е.Ситников, А.Гуторова ва Дж.Сарторининг илмий тадқиқотларини таҳлил қилган ҳолда мазкур функцияларни диссертант қуйидагича таснифлашни таклиф этади: - давлат ҳокимияти ва жамият тараққиёти дастурларининг мақсадлари, вазифаларини аниқлаш; - қўйилган мақсадларга эришиш учун имкониятларни сафарбар этиш; - умумий мақсад ва қадриятларни тарғибот-ташвиқот қилиш, давлат ҳокимиятидан фойдаланиш ва бошқа омиллар ёрдамида ўз тарафдорлари (электорати) нинг бирлашувига эришиш; - сиёсий алоқалар жараёнлари самарасини ошириш; - ўз аъзолари онгига илгор сиёсий қадриятларни сингдириш; - партия аъзоларининг сиёсий ижтимоийлашуви ва фаоллигини таъминлаш механизмларини яратиш ва жорий этиш; - қонунлар, сиёсий қарорлар ижроси, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши; - зарур ахборот-коммуникатив функцияни адо этиш.

Сиёсий партияларнинг вакиллик органларидаги фаолиятининг асосий функцияларини Я.Коновалчиков, Л.Богатырева, А.Гуторова, А.Гаужа каби олимлар илмий ишларини таҳлил қилган ҳолда сиёсий партияларнинг вакиллик органлари фаолиятига оид асосий функцияларини қуйидагича таснифлашни таклиф этади: 1) вакиллик органларининг шаклланишида бевосита иштирок этиш; 2) вакиллик органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш; 3) вакиллик органларининг назорат фаолиятида иштирок этиш; 4) вакиллик органлари мансабдор шахсларининг тайинланишида иштирок этиш; 5) ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг тайинланишида иштирок этиш.

Диссертант фикрича, мамлакатимизда шаклланган сиёсий партиялар конституциявий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиш динамикасини таҳлил этиб, уни қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ: биринчи босқич – 1991–1996 йиллар; иккинчи босқич – 1996–2007 йиллар; учинчи босқич – 2007–2016 йиллар; тўртинчи босқич – 2016 йилдан то ҳозиргача бўлган давр.

Диссертант томонидан мамлакатда кўппартиявилик шаклланиши ва ривожланишига оид ижобий ва салбий тенденциялар таҳлил этилиб, мамлакатда кўппартиявилик тизими ўрнатилиши туфайли жамият ижтимоий онгига янги замонавий демократик ғоялар кириб келиши кабилар ижобий тенденциялар эканлиги, сиёсий партиялар ўз хуқуқий табиатига мос бўлмаган фаолият билан шуғулланиши, ўз электоратининг ахборот олиш хуқуқини таъминламаслик, сиёсий партиялар фаолиятида гендер тенглигини таъминлаш бўйича аниқ механизм йўқлиги, сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини бажариш бўйича самарали тизим йўлга кўйилмаганлиги кабилар салбий тенденция эканлиги асослантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Сиёсий партия электорал функциясининг ташкилий-хуқуқий механизми»** деб номланиб, унда сиёсий партиялар электорал функциясининг мақсади, вазифалари ва амалга ошириш шакллари, уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларидағи иштироки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари шаклланишида улар иштирокининг ташкилий-хуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан ушбу боб доирасида сўнгти йилларда вакиллик органларидағи фаолиятида сиёсий партиялар ва уларнинг тузилмалари фаоллигини таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш тенденцияси кузатилаётганлиги асослаб берилган.

Диссертант сиёсий партияларнинг электорал функциясига оид бир қатор тадқиқот ишлари, жумладан, Й.Марсель, Э.Доунс, Р.Габризак, А.Селсиа, Р.Альберт, Ж.Солон, Ж.Мбаку, В.Вагнер, В.Гамурари, Ж.Бугасаки ва бошқаларнинг назарий фикрларини таҳлил қилган ҳолда уларнинг электорал функцияси фақат маълум ижтимоий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилишда қатнашишда эмас, балки улар учун асосий вазифа электорат манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда давлат даражасидаги қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишда ҳам иштирок этишида эканлигини таъкидлайди. Шундан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги электорал функцияси деганда, сиёсий партияларнинг сайлов муносабатлари соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятларини муайян сайлов тартиб-таомиллари, ҳаракатлари, воситалари ва шакллари орқали амалга ошириш, электорат қисмини аниқлаб олишга қаратилган фаолиятини тушуниш мақсадга мувофиқлигини асослантиради.

Диссертант фикрича, сиёсий партияларнинг **асосий функцияси** сиёсий фаолиятни легитимлаштириш, жамият ва давлатнинг турли гурӯҳлари ўртасида ўзаро келишувни излаш, ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштириш, демократик асосда оммавий ҳокимият органларини сайлов йўли билан шакллантиришда иштирок этишдан иборат.

Муаллиф кадрлар захирасини тайёрлашни партия ҳокимият вакиллик органларига сайловлар учун номзод сифатида кўрсатмоқчи бўлган шахслар доирасини шакллантириш, унинг учун вакил танлаш ва рафбатлантириш, уларни оммавий ҳокимият фаолиятига тайёрлаш, зарур билим ва кўникмаларни эгаллашини тизимли равишда ташкиллаштириб бориш

жараёни сифатида асослантириб, уни партиянинг электорал функцияларининг ичида энг муҳими деб ҳисоблайди.

Сиёсий партиялар хуқуқий институциялашувининг шаклларидан бири улар мақомини конституциявий эътироф этишдир. Сиёсий институциялашув – бу сиёсий ташкилотнинг вужудга келиш жараёни, шаклланиши ва ривожланиши бўлиб, унинг натижасида сиёсий партиялар ўз аҳамияти ҳамда барқарорлигига эга бўлади.

Электоратнинг ҳуқуқий маданиятини тадқиқ этишга оид Р.Дальтон, В.Кардо, Де Симеоне, Де Симоне, Г.Гаета, А.Сапио, Аппиа-Томпсон, Д.Алексеевна ва К.Валентиновна каби олимларнинг илмий-назарий қарашларини тадқиқ этиб, электорал хуқуқий маданиятнинг мазмунига ижтимоий онгда қарор топадиган кайфият, сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов жараёнида уни қўллаш амалиётига нисбатан шаклланадиган эмоционал муносабат, ижтимоий баҳолаш, сайловларда шахсан иштирок этишнинг зарурлиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини англаш, шунингдек сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчилари томонидан сайловга оид нормалар ва юриш-туриш намуналарининг ўзлаштирилиши кабилар кишини қайд этади.

Тадқиқотчи Европа Иттифоқига аъзо бир қатор давлатлар конституцияларини қиёсий таҳлил қилиб, унинг қуйидаги умумий хусусиятлари мавжудлиги ҳақидаги тўхтамга келган: 1) конституциявий даражада фуқароларнинг сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик, уларга эркин қўшилиш ва тарқ этишга оид сиёсий ҳуқуқи мустаҳкамланган; 2) сиёсий партиялар фаолиятининг мақсадлари вакиллик демократиясини, шу жумладан, ички партиявий ҳаётни таъминлашга қаратилган; 3) партияларнинг тортишувчанлик ва демократик рақобат принципи белгиланган; 4) сайловчиларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишининг асосий воситаси сифатида сиёсий партияларнинг конституциявий мақоми белгиланади; 5) партияларнинг фаолият эркинлиги кафолатланган.

Муаллиф томонидан янги ташкил этилган ёки етарли сиёсий қўллаб-куватлашга эга бўлмаган, дастурлари ўзаро яқин бўлган сиёсий партияларга вакиллик органларида етарли ўринни эгаллай олиш имкониятини таъминлаш мақсадида миллий сайлов қонунчилигимизга вакиллик органларига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига янги институт – “**сайлов блоклари**”нинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Диссертант, хорижий мамлакатлар сайлов қонунчилигини таҳлил этган ҳолда, сиёсий партиялар “маслаҳат овози” асосида сайлов комиссияси фаолиятида савол бериш, муҳокамаларда қатнашиш, масала киритиш, ўз позицияларини билдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш тажрибасидан келиб чиқиб, сиёсий партияларга сайлов комиссиялари фаолиятида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқлигини асослантирган.

Сўнгги йилларда сиёсий партиялар ва сайлов комиссиялари ўртасидаги муносабатларни ракамлаштириш зарурияти юзага келиши муносабати билан Ю.Абрамов, А.Кузьмин, Ю.Трифонов, Й.Кастрова, В.Минат, К.Хаеншен,

Ж.Вольф, Р.Гибсон, С.Вард, Д.Крайс, С.Жанинский каби олимларнинг ишлари асосида “ракамли сайлов комиссиялари” ва “сайлов комиссияларини рақамлаштириш” институтлари назарий-хуқуқий жиҳатдан асослантирилган.

Муаллиф томонидан Сайлов кодекси 34-моддасига кўра, сиёсий партияниң “ваколатли вакили” институтининг икки хил шакли мавжудлиги, бажарадиган вазифаси, ваколатлари ва тайинлаш тартибини таҳлил қилиш асосида уларнинг хуқуқий табиати бир хил ном билан аташ мақсадга мувофиқ эмаслиги қайд этилади.

Диссертант томонидан кўрсатилган номзодларга қўйиладиган минимал талаблар (ёш цензи, муайян ҳудудда яшаш цензи, оғир ёки ўта оғир жиноят учун судланганликнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг олиб ташланмаганлиги, касбий асослар бўйича чекловлар, фуқаронинг номзод сифатида қатнашишга розилиги мавжудлиги ва бошқалар) номзодларни танлаш ва таклиф қилишнинг демократик тартибини таъминлашга қаратилганлиги қайд этилади.

Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурини (платформасини) эълон қилиш мажбуриятининг белгиланиши қуйидаги омиллардан келиб чиқади: **биринчидан**, бу Сайлов кодекси қоидаларига мувофиқ, сайловолди ташвиқотининг бир шакли, **иккинчидан**, фуқароларнинг сайлов хукуқларини таъминлаш кафолати бўлиб хизмат қиласди.

Сайловолди ташвиқотини сайлов кампанияси даврида олиб бориладиган бошқа ахборот фаолиятидан ажратиш масаласи илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, сайловлар – ахборот тарқатишнинг фаоллашишини рағбатлантирадиган информацион воқеликдир, чунки сайловчилар турли маълумотлар асосида номзодлар, сиёсий партиялар ва уларнинг дастурлари тўғрисида ўз позицияларини шакллантиради, деган холосага келинган.

Диссертант томонидан ҳозирги ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда сайлов мобайнида Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси тўғрисидаги барча маълумотлар, жумладан сайлов комиссиялари жойлашган манзил ва улар тўғрисидаги, сайловчиларнинг рўйхатлари, кузатувчилар, сиёсий партиялар ваколатли вакиллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳақида маълумотлар, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши, номзодларни ва уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш, такрорий овоз бериш, такрорий сайлов, сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш тўғрисидаги ва сайловни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш зарурлиги асослантирилган.

Маҳаллий вакиллик органларида сиёсий партияларнинг иштирокининг ташкилий-хуқуқий масалалари В.Головин, М.Варлен, Н.Губина, Л.Шарипова, Д.Михеев, В.Куррявцев, Т.Саафельд, К.Стром, Ж.Коулман, С.Розберг, Д.Фарел, Д.Веб каби олимларнинг илмий ишлари асосида ўрганилиб, сиёсий партиялар депутатликка номзодларини фақат ўз партияси аъзолари ёки партиясизлар орасидан таклиф қилишлари лозимлиги, муайян ҳудуд менталитети ва аҳолининг яшаш тарзи ва кайфиятини билиш

мақсадида маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланиш ҳуқуқини беришда муайян муддат шу худудда яшаш зарурлиги асослантирилган.

Ўзбекистонда амалдаги сайлов тизими бўйича олимлар (О.Турғунов, М.Усманов, А.Йўлдошев) турлича нуқтаи назарларни таҳлил қилган ҳолда сиёсий партияларнинг даражаси, кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базаси ҳамда ҳозирги миллий сайлов тизимининг объектив ва субъектив жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда аралаш сайлов тизимига ўтиш асослантирилган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўзбекистон Республикасида вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий механизmlари»**га бағишиланган бўлиб, унда тадқиқотчи томонидан парламент фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сиёсий партия тузилмаларининг қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва маҳаллий кенгашлар фаолиятида иштирокининг ҳуқуқий механизmlари таҳлил этилган.

Парламент фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Д.Эрназаров, Г.Рахат, Р.Хазан, Р.Катц, Р.Кынев, С.Шафер, М.Дебас ва бошқа олимларнинг сиёсий партияларнинг парламент фаолиятидаги иштироки тадқиқ этилиб, сиёсий партияларнинг мазкур иштироки ҳалқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг муҳим белгиси сифатида қаралиши қайд этилади.

Тадқиқотчи томонидан парламент фаолиятида сиёсий партиялар иштирокига оид хориж тажрибаси ўрганилиб, айрим мамлакатларда парламентда ўз вакили бўлмаган партияларга ҳам қонунга мувофиқ парламент мажлисларида иштирок этишга рухсат этилиши парламентнинг вакиллик хусусиятига зид эканлиги, сиёсий партиянинг вакили давлат ҳокимиятининг ушбу органига сайланмаган бўлса, унинг парламентда кимнингдир вакили бўлиши сиёсий партия вакиллигининг ҳуқуқий табиатига мос эмаслиги қайд этилади.

Диссертацияда фуқаролик жамияти институтлари ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигига оид янги тенденциялари сифатида Жамоатчилик палатасининг ташкил этилиши, парламент суриштируви институти жорий этилиши, сайлов жараёнида сиёсий партиялар ролининг янада ошиши ва жамоатчилик иштирокининг янги шакллари келтирилган.

Шу мақсадда, вакиллик органларининг партия тузилмалари фаолият мазмуни ва иштирок этиш шаклларини, уларнинг иш тартибларини оптималлаштириш зарурлиги асослантирилган.

Диссертант таъкидлашича, амалдаги қонунчилик янги тузилган ҳукумат танлаган ривожланиш курси ва дастурини ёки унинг алоҳида йўналишларини маъқулламайдиган сиёсий партиялар фракцияларига ўзларини мухолифат деб эълон қилишга имкон беради.

Диссертант томонидан ҳалқаро тажриба ва доктринал қарашлардан келиб чиқкан ҳолда ўзини парламент мухолифати деб эълон қилган сиёсий партиянинг фракциясига, фракциялар учун қонунда назарда тутилган

ваколатлардан ташқари, қўшимча бир қатор хукуқларни тақдим этиш масалалари тадқиқ этилган.

Фракциялар парламент фаолиятида тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши лозим. Тадқиқотчининг фикрича, сиёсий партияларнинг парламент фаолиятидаги ролининг кучайишини инобатга олган ҳолда, қўмита раисларини сайлашда парламент фракцияларининг мутаносиб вакиллигини таъминлаш тўғрисидаги қоидаларни қонунчилигимизда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Депутатлик партия бирлашмаларининг қонун (хуқуқ) ижодкорлиги жараёнида етакчи роли, биринчи навбатда, қўмиталарни тузишда, уларнинг сонини, номини ва бошқарув ходимларини белгилашда иштироки билан изоҳланади; иккинчидан, қуйи палата фаолиятини тартибга соловчи процедуралари шундай ташкил этилганки, қонунчилик фаолиятининг ҳар қандай масалаларини муҳокама қилишда устуворлик депутатлик бирлашмаларига, шу жумладан, партия фракцияларига тегишли бўлади. Айнан фракциялар доирасида энг муҳим қонунчилик масалалари бўйича қарорлар қабул қилинади. Шу билан бирга, фракция сиёсати (позицияси) қўмиталарнинг фаолиятига фаол таъсир кўрсатади, чунки қўмита аъзолари – депутатлар қўмита йиғилишларида ўз фракцияси йўналишлари бўйича, партиялар манфаатларидан келиб чиқиб фаолият олиб борадилар.

Диссертантнинг фикрича, амалдаги тартиб фракцияларнинг самарали назорат функцияларини амалга оширишда эркинлигини чеклайди. Асос сифатида фракция ташабbusлари Қонунчилик палатаси томонидан масала сифатида кўриб чиқилиб, рад этилган тақдирда фракция қандай йўл тутиш мумкинлиги қонунчиликда хукуқий тартибга солинмаганлиги келтирилади.

Шу мақсадда, Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг Қонунчилик палатасида ахборотини эшитиш юзасидан фракцияга мустақил қабул қилиш ваколатини бериш лозимлиги асослантирилади.

Муаллиф сиёсий партия фракциялари иштирокида парламент эшитувини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини қуидагича таснифлайди: биринчидан, у парламент муҳокамаларида қўтарилиган масалаларнинг ижтимоий аҳамиятини ўзида акс эттиради. Бунда ҳар бир партия ўз электорати ва устав мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда сиёсий иштирокни тақозо қиласди. Иккинчидан, у кўплаб давлат органларининг эътиборини тортади, бу эса сиёсий партия фракцияларининг муаммоли масалаларни муҳокама қилишда давлат органлари билан ҳамкорликда фаолият юритишни янада оптималлаштиришни назарда тутади.

Диссертант томонидан маҳаллий кенгашлар ваколатларининг кенгайиши динамикасини таҳлил қилган ҳолда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг истиқболдаги фаолияти бўйича функционал таҳлил қилинган. Маҳаллий вакиллик органлари демократик тизимнинг асосларидан бири ҳисобланиши, институт муайян ҳудуддаги аҳоли манфаатларини акс эттириши ҳамда тарихий ва бошқа маҳаллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда сиёсий партия гуруҳларининг маҳаллий вакиллик органларидаги

фаолиятини ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда “эгилувчан” ички сиёсатини юритиш мақсадга мувофиқлигини қайд этади.

Муаллифнинг таъкидлашича, сиёсий партиялар жамоатчилик назорати субъекти сифатида назорат тадбирларини тайинлаши, ташкил қилиши ва унда иштирок этиши мумкин. Шунингдек, улар ваколатли органлардан зарур маълумотларни сўраш, жамоатчилик назорати натижалари бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар тайёрлаш ва кўрсатилган органларга қўриб чиқиш учун юбориш ҳуқуқига эга. Конунбузарликлар аниқланганда, партиялар материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборишлари, ноқонуний қарорлар устидан шикоят қилишлари ва жамоатчилик назорати натижаларини ўз матбуот нашрларида эълон қилишлари мумкин.

Амалиёт таҳлили кўрсатишича, партиялар жамоатчилик назоратининг давлат органларига мурожаат ва сўровлар юбориш, ушбу органларнинг очик коллегиал йиғилишларида қатнашиш каби шаклларидан етарлича кенг фойдаланмаяпти. Бундан ташқари, жамоатчилик муҳокамаси, жамоат эшитуви, жамоатчилик кузатуви, жамоатчилик экспертизаси ва жамоатчилик фикрини ўрганиш каби назорат шакллари ҳам жуда катта имкониятларга эга.

Тадқиқот ишининг тўртинчи боби **«Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштироқининг ҳуқуқий асосларини тажомиллаштириш муаммолари»** деб номланиб, унда инновацион ривожланиш босқичида сиёсий партия парламент тузилмаси институтини тубдан янгилаш ва модернизация қилиш, маҳаллий вакиллик органларидағи партия гурухлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тажомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотда таъкидланишича, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини рақамлаштириш, инновацион ғоялар асосида жадал ривожлантириш стратегияси давлат ҳокимиятининг юқори бўғини бўлмиш парламент қурилиши ва фаолиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнида парламентнинг иш режасини тузишда партия тузилмаларининг ролини ошириш бўйича ривожланган хорижий давлатлар (Германия, Корея) тажрибаси асосида фракцияларнинг позициялари билан ҳисоблашиш мухимлиги қайд этилади.

Диссертант томонидан Е.Шульман, К.Джавакова ва А.Худайбердиевлар тадқиқот ишларидаги назарий фикрлари асосида парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойихалари ҳар томонлама ва тўлиқ қўриб чиқилишида электорат билан муҳокама қилиш масаласи таҳлил қилиниб, қонунчилик жараёни натижалари учун кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш имкониятини бериши асослантирилади.

Ривожланган давлатларда сиёсий партияларнинг олий вакиллик органлари фаолиятида иштироқининг ҳуқуқий асосларини модернизация қилиш бўйича тажрибасини таҳлил қилган ҳолда сиёсий партиялар тузилмаларининг парламент доирасидаги баҳс-мунозаралари маҳсус телеканаллар орқали мунтазам равишда онлайн намойиш этиб бориш ва парламентда сиёсий партия фракцияларининг фуқаролик жамияти

институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш тенденцияларини илгари суради.

Диссертантнинг эътироф этишича, партия фракцияларининг фаоллиги ҳам кўнгилдагидек эмас. Зотан, муаллиф ўтказган ижтимоий сўровда ҳам фракцияларнинг бу борадаги фаоллиги масаласи ўрганишлар диққат марказидаги асосий мавзу бўлди. Хусусан, сўровда респондентларга берилган «Сиз партия фракцияларининг Олий Мажлис қўйи палатасидаги фаолиятини (фаолигини) қандай баҳолайсиз», – деган саволга 63,1 фоиз респондент – «ушбу фаолият талаб даражасида эмас» деб; 20,7 фоиз иштирокчи – «фаоллик уччалик етарли эмас», – деб; қатнашчиларнинг атиги 11,8 фоизи – «ижобий баҳолайман», - деб жавоб берган. Иштирокчиларнинг 4,4 фоизи – «бу борада тегишли ахборотга эга эмасман», деб муносабат билдирган.

Шунингдек тадқиқотчи, фракциявий ижро интизоми масаласига алоҳида тўхталиб, тегишли таҳлиллар асосида фракцияда ижро интизомини кучайтириш ва уни назорат қилиш мақсадида аниқ механизмларни амалиётда кўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқкан.

Диссертант маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида сиёсий партиялар иштироки институтини К. Ахметова, С. Жакып, К.Антипов, А.Слобожанина, О.Бабаджанов, Ф.Рахман, А.Сужоку каби тадқиқотчиларнинг ишларини тадқиқ этган ҳолда мазкур институт таърифини назорат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки ҳамда маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларидан тушунтириш сўраш, маълумотлар олиш хуқуки билан бойитиш таклифини илгари суради.

Муаллиф томонидан давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидағи партия тузилмалари (гурухлари)нинг фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, маҳаллий халқ депутатлари кенгашларини рақамлаштириш мақсадида “E-kengash” электрон платформаси орқали Интернет тармоғида депутат сўровларини жамоавий мурожаатлар асосида шакллантириш, депутатлар ўз сайловчилар билан доимий мулоқотни амалга ошириш зарурати асослантирилган.

